



ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 август куни чорвачилик ва паррандачилик тармоқларини ривожлантириш, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда соҳага замонавий технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда аҳоли сони ва туризм оқимининг ўсиши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ҳам оширмоқда. Ҳозирги кунда гўштга бўлган йиллик талаб 2 миллион 150 минг тонна-ни, ишлаб чиқариш ҳажми эса 1 миллион 600 минг тоннани ташкил этмоқда.

Шу боис, тақдимотда 2026-2028 йилларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича ишлаб чиқилган комплекс чоралар муҳокама қилинди.

Фаолият юритмаётган корхоналарни тиклаш, чорвачиликка ихтисослашган туманларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли хонадонларида енгил конструкцияли молхоналар қуриш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига қўшимча 190 минг тонна гўшт ишлаб чиқариш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

Жумладан, фаолияти тўхтаб қолган 103 та чорвачилик корхонасини соғломлаштириш режалаштирилган. Уларнинг қарзларини реструктуризация қилиш ёки ўн йилга бўлиб тўлаш, озуқа етиштириш учун ер майдонлари ажратиш ва насли моллар билан таъминлаш таклиф этилди. Натижада 33 минг бош қорамол парваришланиб, йилга 12 минг тонна гўшт ва 40 минг тонна сут ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Чорвачиликка ихтисослашган 13 та туманда 75 минг гектар озуқа майдонидан самарали фойдаланиш, кичик чорвачилик лойиҳаларини молиялаштириш, сут қабул қилиш пунктлари ва озуқа сотиш шохобчаларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, аҳоли хонадонларида 20 сотих майдонда енгил конструкцияли 11 мингта молхона қуриш ва уларда 421 минг бош қорамол парваришлаш режалаштирилган.

Умумий қиймати 3 триллион сўм бўлган 802 та янги лойиҳа доирасида 68 минг бошдан зиёд қорамол ҳамда 186 минг бош қўй ва эчки парваришлаш

кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар йилга қўшимча 20 минг тонна гўшт ва 120 минг тонна сут ишлаб чиқариш имконини беради.

Қорақалпоғистон мисолида чорвачилик комплексларини соғломлаштириш бўйича сунъий интеллект ёрдамида тайёрланган таҳлил натижалари ҳам кўриб чиқилди. Ўрганилган 20 та комплекснинг қарзи 109,6 миллиард сўмни ташкил этиб, уларнинг ярми юқори хавфли тоифага киритилган. Аксарият объектларда озуқа майдонлари ва зарур инфратузилма етарли эмас.

Шундан келиб чиқиб, қарз юқини енгиллаштириш, озуқа базасини шакллантириш, комплексларни дастлаб пилот тартибда, кейинчалик босқичма-босқич ишга тушириш ва насли моллар билан таъминлаш бўйича таклифлар билдирилди.

Мўғулистондан 150 минг бош қўй, Хитой ва Европа давлатларидан 100 минг бош насли қорамол, Беларусь Республикасидан 2 минг бош мол олиб келиш режалаштирилмоқда. Бу орқали йилга қўшимча 44 минг тонна гўшт ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Умуман, чорвачилик тармоғини ривожлантириш учун 463 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Аҳоли хонадонлари ва чорвачиликка ихтисослашган маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Республиканинг 191 та туманида 2 минг 407 та чорвачиликка ихтисослашган маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 823 мингта хонадон ва 3,9 миллион нафар аҳоли истиқомат қилади.

Ушбу хонадонларга арзон чорва моллари етказиб бериш, сигирларни сунъий уруғлантириш, ем-хашак таъминоти ва зооветеринария хизматларини яхшилаш, наслдор бузоқларни идентификация қилиш ҳамда улар учун субсидия ажратиш таклиф этилди. Натижада хонадонларда чорва бош

сони ва маҳсулдорлик ортиши, аҳоли учун қўшимча даромад манбалари яратилиши кутилмоқда.

Наслчилик соҳасида 13 та туманда ҳар бири 200 бош қорамолга мўлжалланган хўжаликлар ташкил этиш, йилга 500 минг бош сигирни сараланган уруғ билан сунъий уруғлантириш ва эмбрион трансплантацияси технологияларини кенг жорий қилиш режалаштирилган.

Тақдимотда Ўзбекистон чорвадорлар уюшмасини ташкил этиш таклифи ҳам кўриб чиқилди. Янги тузилма чорвадорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, кооперацияни ривожлантириш, наслчилик ишлари, илмий тадқиқот ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш, молиявий кўмак кўрсатиш ҳамда ташқи бозорларга чиқишга кўмаклашиш билан шугулланади.

Фермерлар ва аҳоли учун “Smart Farmer” ягона рақамли ёрдамчиси ҳам тақдим этилди. Мобил илова орқали чорва молларини идентификация қилиш, ветеринар қаҳириш, сунъий уруғлантириш, озиклантириш ва яйловларни бошқариш бўйича маълумот олиш, субсидияларга мурожаат қилиш ва сунъий интеллект асосида маслаҳат олиш мумкин бўлади.

Паррандачилик соҳасида умумий қиймати 432 миллион доллар бўлган лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳалар ҳисобига 2028 йилгача қўшимча 100 минг тонна парранда гўшти ишлаб чиқариш, озуқа-ем қувватини 3,3 миллион тоннага етказиш ва замонавий сўйиш тизими қамровини 20 фойздан 50 фойзга ошириш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини чуқур таҳлил қилиш, маблағларни манзилли йўналтириш, рақамли ҳисоб ва мониторингинг йўлга қўйиш, ички бозорни сифатли ва ҳамёнбоп маҳсулотлар билан барқарор таъминлаш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

ЎЗА

ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ

Ҳар бир мамлакат тараққиёти, аввало, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, аҳоли фаровонлиги юксалиши ва инсон манфаатлари таъминланиши билан ўлчанади. Сўнгги йилларда мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар айнан шу эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.



Муносабат

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ҳамда йил якунига қадар бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди. Бу йиғилиш нафақат иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили, балки тараққиётимизнинг янги босқичига қаратилган муҳим сиёсий дастур сифатида ҳам аҳамият касб этди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг олти ойида мамлакат иқтисодиёти 8,5 фойз ўсди, бунда саноатда 8 фойз, хизмат кўрсатиш соҳасида 16,9 фойз, қурилишда 13,8 фойз ва қишлоқ хўжалигида 4,7 фойз ўсиш кузатилди.

➤ *Давоми 2-бетда*



“ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ” КАРВОНИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Янги ўқув йили бошланишига оз вақт қолди. 2026/2027 ўқув йилида мамлакатимиздаги 10 минг 225 та умумтаълим мактабида 550 мингдан ортиқ ўқитувчи 6,7 миллиондан зиёд ўқувчи таълим-тарбия бериши кутилмоқда. 5 август ҳолатига кўра, 1-синфга қабул қилиниши режалаштирилган 795 мингдан ошдиқ боладан 680 минг нафари рўйхатга олиб бўлинди.

➤ *Давоми 2-бетда*



Таҳлил

Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича ҳамон дунёда етакчилардан. Аммо энди бу аввалгидек оғир меҳнатга асосланган, қилинган меҳнатга яраша ҳосил олинмайдиган амалиёт эмас. Бугун мамлакат пахтачилигида ўзгаришлар жуда катта. Янги ва серҳосил навлар кириб келди. Уруғчиликка муносабат ўзгарди. Қўшқатор экиш, томчилатиб сўғориш, томчилатиб ўғитлаш (фертигация), дронлар, замонавий техника ва биотехнологиялар далага кириб борди. Энг муҳими, илм фақат лаборатория ёки илмий станцияларда эмас, фермер даласида натижа бера бошлади.

Яхши нав имкониятини очилган кўсак ва фермер даромадига айлантириш йўли



Биз кўриб турган бу ўзгаришлар ўз-ўзидан юз бермади. Бунинг ортида катта сиёсий ирода, аниқ ислохотлар ётибди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида қишлоқ хўжалигида фермер манфаатини кучайтириш, бозор тамойилларини жорий этиш, имтиёзли молиялаштириш ва субсидиялар, замонавий техника, сув тежовчи технологиялар, янги уруғ ва илмий ишланмаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил сиёсат амалга оширилди. Қисқача айтганда, давлат шароит ва рағбат яратди, олим ва мутахассис ечим таклиф қилди, фермер эса уни далада натижага айлантирди. Янги Ўзбекистон пахтачилигининг ўзига хос модели ана шу ҳамкорликда шаклланди.

➤ *Давоми 4-бетда*

НУРЛИ, ШУКУҲЛИ, ШАРАФЛИ

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “Миллат Шавкати” китобини ўқиб



Давлат раҳбари ҳақида ёзишга жазм этиш катта ва жиддий тайёргарликни тақозо этади. Раҳбарнинг ҳаёт йўли, фаолияти, шахс сифатида шаклланиши, дунёқарashi, тафаккур тарзи, зехнияти, янгидан-янги муаммоларга шайлиги... то бир-бирдан мураккаб ва чорасиз вазиятларда чора топа олишигача бўлган маҳорати... Очиги, бу санокдан ташқарида қолган мавзулар оз эмас. Миқёсини бу қадар катта ва кенг олишнинг эса ҳар ким уддасидан чиқармайдми. Шижоати панд беради. Яна ҳаётий тажриба, синчковлик, кенглик, фикрлаш ва ёзиш лаёқатидан-да муҳимроқ маънавий ҳақ-хуқуқ масаласи кўндаланг бўлади.

Буюк олмон шоири Гёте шоир киши дунёни эстетик қадриятлар мезонларида идрок этишга ўзини маънан ҳақли деб ҳисобламоғи муҳимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Давлат раҳбари ҳақида фикрлаш, ёзиш, мулоҳаза юритиш ва хулосалар чиқариш мезонларига ўзини — ўзлигини лойиқ ва муносиб кўриш, ўзини ана шундай қутлуг миссияга маънан ҳақли деб билиш... “Миллат Шавкати” китобини ўқиш асносида шу борадаги ўй-хаёллар тарқ этмайди китобхонни.

Мамлакатимизда давом этаётган тарихий ўн йиллик янгиланиш жараёнлари алоҳида ижодий салоҳият мақомларидагина қамраб олиниши мумкинлиги таниқли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов асарлари мисоли ва тимсолида кўзга ташланмоқда.

Муаллиф китобга жо бўлган 12 та мақоланинг ҳар бир мавзусига асосан уч йўналишда ёндашади. Булар:

— Ватанимизда кейинги 10 йил мобайнида амалга оширилган ва оширилаётган ислохотлар силсиласи;

— ислохотларнинг бош меъмори, ташаббускори ва раҳнамоси бўлмиш муҳтарам Президентимиз тимсоли;

— амалга оширилаётган барча ислохотлар, саъй-ҳаракатлардан кўзланган бош мақсад-муддао — халқимиз қалбидagi розилик ва шукроналик туйғуси тараннуми.

Қудратилла Рафиқовнинг ўзига хос баён услуби китобхонларга яхши таниш: осон, раво,

тушунарли ва самимий ёзади. Фикр-мулоҳазаларини оммабоп тилда изҳор этади. Ўқувчи қалби-шуурига йўл топади. Лекин шуни тан олиб таъкидлаш зарурки, ҳеч қанон ва ҳеч бир мавзуда осон ёзиш шунчаки осон кечмайди. Зеро, осон ёзиш маҳорати қаттиқ изланиш ва изчил ижодий заҳматлар эвазига қўлга киритилади.

Биринчи мақолада Тошкент марказида барпо этилган Tashkent City ҳақида сўз юритилади. Бор-йўғи 6-7 йилда қуриб битказилган ушбу маскандаги бунёдкорлик ишларини истаганча таърифлаш мумкин. Замонавий шаҳарсозлик, меъморчилик нуқтаи назаридан юртимиз учун беқеъслиги маъносида мақтанишга арзирли воқеа десак, муболага бўлмайди. Бу ўринда “мақтанишга” деган сўз бежиз тилга олингани йўқ. Мақола муаллифи Tashkent City қурилиши баҳонасида тафаккур ўзгаришидан сўз очмоқда. Сарлавҳага эътибор берайлик: “Бунёдкорликдан тафаккур ўзгариши сари” деганда нима назарда тутилмоқда?

Мамлакатимизда давом этаётган бунёдкорлик ишларидан истаганча фахрларини, истаганча ҳайратланишга ҳақлимиз, аммо кўз ўнгимизда юз бераётган ана шу янгиланишларнинг тафаккуримизни ўзгартираётгани борасида қанча сўз очсак, шунча оз.

2026 йил 6 август, 158-сон

Эдуардс СТИПРАЙС: “2016 йилдан БУЁН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАНИГА ГУВОХ БЎЛЯПМАН”

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Эдуардс Стипрайс Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида “Дунё” АА орқали юртдошларимизга ўзининг самимий табриги ва эзгу тилаklarини йўллади:

— Бугун Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан сизларга мурожаат қилаётганимдан бениҳоя мамнунман.

Ушбу қутлуг айём муносабати билан энг самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ўзимни Ўзбекистон халқининг ҳақиқий дўсти деб биламан. Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги элчиси сифатида тўрт йил давомида юртингизда яшаш ва ишлаш шарафига муяссар бўлдим. Бугунги кунда эса Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили сифатида Ўзбекистонга мунтазам таширф буюряпман.

Ўзбекистоннинг улкан тараққиётига бевосита гувоҳ бўлиш имконига эга бўлдим. 2016 йилдан буён кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Ўн йил аввал бошланган янгиланган жараёнлар натижа-сида мамлакат ҳаётида мазмуни ва сези-ларли ўзгаришлар юз бериб, у янги қиёфа касб этди.

Мазкур ислохотлар Ўзбекистонни дунёга очди, уни халқаро ҳамкорлар, биз-нес доиралари ҳамда меҳмонлар учун яна-да жозибадор масканга айлантирди.

Мамлакат фуқаролари учун ҳақиқий манфаатлар келтирди. Аҳоли турмуш да-ражасини ошириш, фаровонлиқни юксал-тириш ҳамда шахсий ва касбий ривожла-ниш учун кенг имкониятлар яратилишига хизмат қилди.

Иқтисодий тараққиётни рағбатланти-риш, бизнес муҳитини яхшилаш ва ижти-моий тараққиётни қўллаб-қувватлаш орқа-ли ислохотлар дастури кўплаб инсонларга ўз орзу-интилишларини амалга ошириш, ўзлари ва оилалари учун янада яхшироқ келажак барпо этиш имконини берди.

Шу билан бирга, сўнгги ўн йил давоми-да эришилган улкан ютуқлар нафақат фахр манбаи, балки келгуси тараққиёт учун мустаҳкам пойдевор ҳамдир. Улар мамла-кат ва унинг халқи учун янги ишонч, янги куч-гайрат ва янги имкониятларни яратди.

Кенг қўламли ўзгаришлар ва ислохот-лар жараёни давом этмоқда. Қўлга ки-ритилган натижаларни мустаҳкамлаш



порлоқдир. Бугунги кунда у ўзаро боғ-лиқлик, таълим, рақамли технологиялар, “яшил” ўтиш, барқарор ривожланиш ва муҳим хомашё ресурслари каби кенг қўламли соҳаларни қамраб олган.

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон алоқалари тобора мустаҳкамланиб бо-раётган стратегик шериклик муносабат-ларидир. Бугунги ўзгарувчан геосиёсий шароитда Европа Иттифоқи Ўзбекистон-нинг ислохотлар йўлидаги савий-ҳаракат-ларини қўллаб-қувватлашга катта аҳамият қаратади ва ушбу йўлда мамлакат билан елкама-елка туришдан фахрланади.

Бу ҳамкорлик қонун устуворлиги, ин-сон ҳуқуқлари, меҳнат ҳуқуқлари, ген-дер тенглиги, Ўзбекистоннинг GSP+ режимидан фойдаланиши, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни ҳамда савдо тўсиқлари ва чекловларини босқич-ма-босқич қисқартириш каби муҳим йўна-лишларни қамраб олган.

2025 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган биринчи Европа Иттифоқи — Мар-казий Осиё саммити доирасида ўрнатил-ган стратегик шериклик муносабатлари минтақаларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлади. У бизга умумий муаммоларни биргаликда ҳал этиш, ин-сонлар ҳаётини яхшилайдиган ва умумий барқарорлигини кучайтирадиган ама-лий лойиҳаларни бажариш имконини бер-моқда.

Ўзбекистондаги барча ҳамкорларимиз-га Европа Иттифоқи билан муносабатлар-ни мустаҳкамлаш йўлидаги садоқати ва савий-ҳаракатлари учун чўқур миннатдор-лик билдиримиз. Биз ҳамкорлик руҳини юксак қадрлаймиз ва шериклигимизнинг кейинги босқичларига катта ишонч билан қараймиз.

Яна бир бор Ўзбекистон халқини мус-тақиллигининг 35 йиллиги муносабати бил-лан чин қалбимдан табриқлайман.

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!

“Дунё” АА
Брюссель шаҳри

ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ

Бошланиши 1-бетда

Ўтган даврда инвестиция ҳажми 28 миллиард долларга, экспортнинг 14,4 миллиард долларга етгани ҳамкорлари-мизнинг иқтисодийтимизга ишончи ортиб бораётганидан далолат. Халқаро рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингини бир поғонага яхшилашнинг ҳам дунё ҳамжамияти юрти-миздаги иқтисодий сиёсатини ижобий баҳо-лаётганини кўрсатмоқда.

Аҳоли сони ошиб борар экан, иш ўрин-лари, даромадлар, ижтимоий хизматлар ва инфратузилма ҳам шунга мос ривожлани-ши лозим. Йиғилишда айрим ҳудудларда режалар ижроси суств кечаётгани танқидий таҳлил қилинди ва ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, қурилиш, инвестиция ва экспорт бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани қайд этилди. Шу боис, ойлик, чораклик ва йиллик режалар ижросини таъминламаган раҳбарларнинг масъулиятни кучайтирилиши белгилаб берилди. Бундай ёндашув давлат бошқа-рувида интизом ва шахсий жавобгарлик тамойиллари устувор аҳамият касб этаёт-ганини аңглатди.

Хорижий инвестиция жалб қилиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан



Муносабат

таширфлар давомида эришилган келишув-лар бўйича Ҳисоб палатаси ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қатъий назорат ўрна-тилиши белгиланди.

Йиғилишда аҳоли турмуш даражасига бевосита таъсир қилувчи инфляция ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари алоҳида тил-га олинди. Нарх-наво барқарорлиги ҳар бир оиланинг фаровонлиги билан ҳамбарчас боғлиқ. Шу маънода, айрим маҳсулотлар нархи кескин ошиб кетмаслиги учун амалий чоралар кўрилиши юзасидан аниқ вазифа-лар белгилангани айни муддаодир.

Яқинда ўтказилган қишлоқ ҳўжали-гини рўйхатга олиш натижалари чорва-чилик соҳасидаги ҳақиқий ҳолатни аниқ очиб берди. Энди мазкур тармоқни янада қўллаб-қувватлаш учун қўшимча маблағ йўналтирилади ва йил якунига қадар 100 минг бош қорамол ҳамда 150 минг бош қўй-эчки олиб келинади. Натижада ички бозор арзон ва сифатли ўшшт маҳсулотла-ри билан таъминланади, озиқ-овқат хавф-сизлиги мустаҳкамланади.

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш инфратузилмасини кенгайтириш муҳим



Қувондиқ САНАҚУЛОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

ўзгаришлар экспортёрларимиз фаолияти-га таъсир кўрсатиши эҳтимолидан келиб чиқиб, ҳар бир раҳбарга ташқи хавфларни ҳисобга олган ҳолда ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиш вазифаси юкланди. Зеро, бугунги кескин рақобат шароитида фақатгина тезкор қарор қабул қиладиган, ташаббускор ва замонавий фикрлайдиган раҳбарларгина юқори натижага эриша олади.

Шу мақсадда тармоқлар ва ҳудудларга бириктирилган “ақл марказлари” иштира-қида илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилиши белгиланди. Мазкур таклифлар “ресурс — инфратузилма — лойиҳа — ишлаб чиқариш — бюджетта тушум — экспорт” занжирини ягона тизим сифатида ривожлантиришга хизмат қилади. Бундай ёндашув эса иқтисодийнинг барча бўгин-лари ўзаро уйғун ҳолда ишлашини таъ-минлайди.

Энг муҳими, янги иш ўринлари яра-тиш, аҳоли даромадларини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, инвестицияларни кўпайтириш ва экспорт географиясини кенгайтиришдан қўзлан-ган асосий мақсад халқ фаровонлигини юксалтиришдир.

Бугун мамлакатимиз олдида турган ва-зифалар улкан, аммо имкониятлар ундан ҳам катта. Ислохотларнинг изчил давом эттирилиши, раҳбарларнинг масъулияти, халқнинг меҳнатсеварлиги ва тadbirkor-ларнинг ташаббуси бирлашган паллада янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати янада мустаҳкамланади. Бу эса ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ва бутун мамлакат тараққиёти учун мустаҳкам замин яратади.



“ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ” КАРВОНИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Бошланиши 1-бетда

Анъанавий тарзда бу йил ҳам 1-синф ўқу-чилари учун 12 номдаги ўқув қўролларида иборат “Президент совғаси” тайёрланди. Кунни кеча “Президент совғаси” карвони ҳудудларга йўл олди. Ўқув қўроллари жорий йил 15 ав-густга қадар мамлакатимиздаги барча шаҳару қишлоқларга, 25 августгача эса мактабларга тўлиқ етказиб берилади ва ўз эгаларига танта-нали топишилади.

“Президент совғаси” нодавлат мактаблар, бошқа вазирлик ва идоралар тасарруфидagi таълим ташкилотлари ўқувчиларига ҳам бе-рилади. Ҳар бир болани “Президент совғаси” билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида вазир-лиқнинг adm.maktab.uz электрон платформаси орқали болалар рўйхати номма-ном шаклан-тирилди.

— Ўқув қўроллари жамланмасини тайёр-лашдан аввал ўтган ўқув йилларида фарзанд-ларимизга берилган “Президент совғаси” таркибидagi маҳсулотларнинг сифати, чидам-лилиги бўйича ота-оналар ўртасида сўров-нома ўтказилди, — деди Мактабгача ва мак-таб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Эркин Муродов. — Билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, маҳсулотларнинг сифатига алоҳи-да эътибор қаратдик. Ҳар бир ўқув қўроли бел-гиланган стандартлардан ўтказилди, санитария қоидалари ва меъёрларига мослиги ўрганилди. Алоҳида таълим эҳтиёжлари мавжуд бўлган болалар учун эса инклюзив таълим жараёнига мослаштирилган ўқув қўроллари тайёрланди.

Мактаб портфели пишиқ материалдан тай-ёрланган. Дарсликлар ўлчами ва вазиhi ҳам



Обод манзиллар

КЕЛИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ!

Қўқон шаҳридаги “Муқимий” ва “Шикорбеги” маҳалла фуқаролар йиғинларида “Обод маҳалла — обод кўча — обод уй” тамойили доирасидаги бунёдкорлик, ободончилик ишлари аҳоли ҳаёт тарзини ўзгартирмоқда. Хонадонлар, кўчалар янги меъморий кўринишга келяпти, кўмакка муҳтож оилалар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Мазкур МФЙларда 3438 та оила бор. Ободончилик ишлари учун айнан улар танлаб олингани бежиз эмас. Ўтган асрининг 80-йилларида кимёгарлар шаҳарча-си сифатида қурилган қирқдан ортқ кўп қаватли уй-жойда истикомат қилаётган 10 мингдан ортқ аҳоли узок йиллардан буён муаммолар гирдобида қолганди. Кўп қаватли уйларни иситиш тизимла-ри ишдан чиққан, сув, табиий газ, электр таъминоти, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаларида юзага келган камчиликлар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди.

Бугун бу ердаги манзара кундан кунга ўзгариб бормоқда. Мавжуд муаммолар-ни бартараф этиш, аҳоли турмуш дара-жасини кўтариш, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун аниқ чора-тадбирлар кўриляпти. Уй-жойлар замонавий ис-сиқлик тизимига уланмоқда, ички йўл-лар, трансформаторлари таъмирлаш,



марказий кўчаларнинг бирида 24/7 тар-тибда фаолият юритадиган савдо ва хиз-мат қилиш уй-жойларнинг ички, ташқи, том қисми таъмирланипти. Уйларнинг ташқи қисми базальт билан қопланмоқда. Бу чора-тадбирлар аҳоли яшаш хонадонла-рини ёзда иссиқдан, куз-қиш мавсумида совуқдан ҳимоялаш имконини беради.

— Бу ерга келин бўлиб туш-анимга қирқ йилдан ошди, — дейди Мавжуда Аминова. — Маҳалла-миз шаҳар инфратузилмасидан узилиб қолганди. Аҳолига фақат битта йўналишдаги транспорт хизмати кўрсатиб келинган. Энди ўнлаб йўналишлар бўйлаб транс-порт хизмати йўлга қўйилгани узогимизни яқин, оғиримизни ен-гил қияпти. Атрофга боқсам, кўзим кунбайди, дилим яйрайди. Барака то-пишин, кўп қаватли ҳар бир уй-жой ол-дида замонавий болалар ўйин майдонла-ри қуриб беришяпти. Уйларимиз марказлаш-ган иссиқлик тизимлари билан таъмин-ланмоқда. Тунда ҳам кундуздек ёришган кўча ва хиёбонларда сайру саяхат қилиши-миз учун қулай шароитлар бор. Эътибор, ғамхўрликдан кўнглимиз юксалмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинидаги бунёд-корлик, ободончилик ишлари билан та-нишиш жараёнида эътиборимизни тор-тган яна бир жиҳат шу бўлдики, барча уй-жойлар ёнда миллий урф-одат ва қадриятларимизга хос сайилгоҳ, яшил

ҳудудлар, маънавий-маърифий тadbirkor-ларни ижтимоий ҳимоялаш, ишсиз, миг-рациядан қайтган ёшларни иш билан таъминлашга эътибор ошди. Маҳаллада тикувчилик, тўқувчилик драйвер соҳага айланган. Лойиҳа доирасида бу ерда янги тadbirkorлик субъектларини ишта туши-риш, ташаббусларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Айни кунда ҳўжалик сумкалари ва чарм белбоғлар ҳамда болалар трикотаж ишлаб чиқа-ришга иxtisosлашган замонавий корхона қурилиши поёнига етмоқда. Янги корхона бир вақтнинг ўзида 500 га яқин ёш ва хо-тин-қизни иш билан таъминлайди. Бундан ташқари, 48 та тadbirkorлик лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Юрт ободлиги, аҳоли фаровонлиги йў-лидаги ҳаётбахш ислохотлар олис ҳудуд-ларда ҳам шу тарзда бўй кўрсатмоқда.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири
Шерзод Қорабоев олган сураглар.

ИЖТИМОЙ ФАОЛ, ТАШАББУСКОР ВА РАҚОБАТБАРДОШ: ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГЛИК АСОСЛАРИ

Таълим-тарбия инсон камолотининг негизи, жамият тараққиётининг маънавий пойдевори ҳамда миллий ўзликни мустаҳкамловчи энг муҳим ижтимоий омиллардан. Буюк давлатлар қудрати, улуг алломалар мероси, жамиятнинг маънавий салоҳияти ҳамisha баркамол авлоднинг вояга етказишга қаратилган ғоялар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бу жараёни амалга оширувчилар эса, шак-шубҳасиз, устоз ва мураббийлардир. Уларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, турли имтиёз ва рағбат механизмлари орқали мунтазам қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий диққат марказидаги масалалардан.




Йил ўқитувчиси – 2026

кузатдик: шиддати, билими, касбий фаолиятдан, аввало, ўзи мамнун.

Ўқитувчиларнинг бүгун жамиятдаги ўрни, касбий мақоми ҳамда ойлиги йилдан йилга ортиб бормоқда. Соҳа вакилларига кўрсатилаётган ана шундай юксак эътибор бежиз эмас, албатта. Зеро, устозлар маърифат боғининг боғбони, унинг ниҳоллари янги Ўзбекистоннинг келажигидир.

Ёшлар тарбияси ва таълими сифатини оширишда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги стратегик аҳамият касб этмоқда. Устозларнинг “Оила — маҳалла — мактаб” ҳамкорлигидаги ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, иштирокчилар ушбу тамойил асосида ҳамкорлик юзасидан маҳалла фаоллари ва ёшлар билан қилган тизимли ишларини слайдларда намойиш этди. Хусусан, жорий йил институтимиз ташаббуси билан Қашқадарё вилояти Китоб туманида “Ота-оналар академияси” фаолияти йўлга қўйилди. Унинг очилиши доирасида “Маҳалла, оила ва мактаб интеграцияси асосида ёшлар тарбиясини ривожлантиришнинг иктомий-педагогик модели” мавзусида кенг қамровли ўқув семинари ўтказилди.

Кўтаринки руҳ ва юқори кайфиятда ўтказилган танловда бутун билимли ва малакали кадрларни шакллантиришга қаратилган тизим мамлакатнинг иқтисодиёти, ижтимоий ҳаётини ўзгартиришга қодир механизм эканини англатди. Билим капитал, юксалиш, ўсиш ва ривожланишдир. Шунингдек, дунё ёшлари турли мафкуравий таъсирлар, ахборот хуружлари ва маънавий таҳдидлар билан юзма-юз келаётган мураккаб бир шароитда миллий тарбия масаласи нафақат педагогик, балки ижтимоий, сиёсий ва маънавий хавфсизлик омилли сифатида ҳам муҳим.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

Миллий ўқув дастурининг ишлаб чиқилиши тарбия педагогикаси ривожига алоҳида босқич бўлди. Дастурда фанларaro интеграция, шахсга йўналтирилган таълим, инновацион методлардан фойдаланиш ва тарбиявий мақсадларнинг ҳар бир фан мазмунига сингдирилиши устувор йўналиш этиб белгиланган. Ушбу ёндашув ўқувчининг билим олиш билан бирга маънавий, ахлоқий ва фуқаролик фазилатларини ҳам ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши таълим-тарбия жараёнига янги имкониятлар олиб кирди. Электрон дарсликлар, масофавий таълим платформалари, мультимедиа восталари ва сунъий интеллектга асосланган таълим ресурслари педагогик фаолиятнинг ажралмас қисмига айланди. Шу маънода, таълим ислохотлари доирасида педагог кадрларнинг касбий салоҳиятини ошириш устувор йўналиш сифатида эътироф этилди. Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизими такомиллаштирилди. Замонавий педагогик технологияларни эгаллаш, инновацион методларни қўллаш ва тарбиявий фаолиятни самарали ташкил этишга қаратилган ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Қисқаси, янги Ўзбекистон шароитида таълим-тарбия тизимини ривожлантиришнинг асосий мақсади миллий қадриятларга ҳурмати баланд, замонавий билим ва кўникмаларга эга, ижтимоий фаол, ташаббускор ва рақобатбардош шахсни вояга етказишдан иборат. Мазкур ислохотлар натижасида тарбия жараёни шахснинг ҳар томонлама ривожланишини таъминловчи, замонавий педагогик ёндашувларга таянган яхлит тизимга айланди.

ИШОНЧ ВА ЭЪТИБОР САМАРАСИ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРДА НАМОЁН



Муҳаммад ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
сиёсати ва бошқаруви
академияси магистратура
босқичи тингловчиси

Таълим одимлари

Ҳар бир мустақил давлатнинг энг катта бойлиги, аввало, илмли, ватанпарвар ва аниқ мақсадли ёшлардир. Мамлакатимизда ҳам навқирон авлод учун яратилаётган имкониятлар, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ташаббуслар, замонавий мактаблар, ихтисослаштирилган таълим масканлари, халқаро таълим дастурлари ва рағбатлантириш тизими натижасида ёшлар ўз олдига дунё миқёсидаги марраларни қўя оладиган авлод сифатида камол топмоқда.

Буни жорий йилги халқаро фан олимпиадалари натижаси ҳам яққол тасдиқлайди. Хусусан, Колумбияда ўтказилган 56-халқаро физика олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси тарихий натижани қайд этди. Илк бор икки ўқувчимиз — Асилбек Жуманазаров ва Муҳаммад Абдуваликов кумуш, яна икки билимдонимиз — Элбек Ўроқов ҳамда Ҳасан Камолов бронза медални қўлга киритди. Жаъвор Оқназаров эса фахрий эътирофга сазовор бўлди.

Шунингдек, биология йўналишида юртимиз ёшлари муносиб натижаларга эришди. Литваннинг Вильнюс шаҳрида ўтказилган 37-халқаро биология олимпиадасида Президент мактаби ўқувчилари Муродбек Латипов, Орузгул Мухторова

ва Нурсултон Аширалиев бронза медалга сазовор бўлиш бораборида мамлакатимиз биология мактаби салоҳиятини халқаро миқёсда яна бир қарра намоеъ қилди.

Хитой меъдонлик қилган 67-халқаро математика олимпиадасида ҳам оловқабл ёш интеллектуаларимиз навбатдаги муваффақиятини қўлга киритди. Элишод Ўралов ва Достонбек Раҳмонқулов кумуш медални қўлга киритган бўлса, Азизбек Мамажонов, Элбек Зоҳиджонов ҳамда Расулбек Гафоров бронза медал билан тақдирланди. Дунёдаги энг мураккаб ва нуфузли фан мусобақаларидан бири ҳисобланган математика олимпиадасида қайд этилган бундай натижалар юртимизда аниқ фанларни ривожлантириш йўлидаги тизимли ишларнинг амалий ифодасидир.

Кимё фани бўйича эришилган ютуқлар эса алоҳида эътирофга лойиқ. 58-халқаро кимё олимпиадасида терма жамоамиз иштирокчилари юқори натижаларни қайд этгани кўнақлари воқеа. Райҳона Тўймуродова олтин медални қўлга киритган бўлса, Жасур Мустафоев, Азизмуҳаммад Ҳафизов ва Миржалол Ҳомиджонов кумуш медал билан тақдирланди. Жамоаларнинг барча аъзолари совриндор бўлиши юртимиз таълим тизимининг изчил ривожланаётганидан далолат.

Бундай ютуқлар ортида фақат истисно эмас, меҳнатни қадрлаш тамойили ҳам муҳассас. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ, нуфузли халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ўқувчилар ва устозлари катта миқдордаги пул мукофоти билан рағбатлантирилмоқда. Олтин медал учун бир миллиард сўмдан ортиқ, кумуш ва бронза медаллар учун ҳам салмоқли мукофотлар белгиланган. Бундан ташқари, ғолибларни тайёрлаган ўқитувчиларнинг малака тоифаси бир юксак оширилиши йилга ҳурмат ва устоз меҳнатига поғона эътиборининг яққол ифодасидир.

Бутун мамлакатимиз ёшлари учун имкониятлар қўлами бениҳоя кенг. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали дунёнинг энг нуфузли университетларида тахсил олаётган Ўзбекистонлик талабалар тимсолидаги муваффақиятлар ҳам ана шу ишонч ва эътибор самараси. Жамғарма вакиллари таъкидлаганидек, ёшлар учун яратилаётган имкониятлар уларнинг жаҳон миқёсида рақобатбардош мутахассис бўлиб етишишга хизмат қилмоқда.

Жаҳид боболаримиз орзу қилган бутунгидек зиёга тўла мактабларда ўқиётган, лабораторияда янгиликлар устида тақриб ўтказибатган ҳар бир ўғил-қиз эртанги куннинг олим-муҳандиси, шифокори, устози, ҳуслас, эл қорига ярайдиган муносиб кадрлар бўлиб етишмоғига шубҳа йўқ.



2026 йил 6 август, 158-сон

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

Бугунги таҳликали дунёда халқимиз, айниқса, ёшларга ислом моҳиятини тўғри тушунириб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис, юртимизда диний таълим сифатини янада ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

УЛУГ АЛЛОМАЛАРНИНГ МУНОСИБ ИЗДОШЛАРИ

ИМОМ БУХОРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ
ИНСТИТУТИ ИЛК МАГИСТРЛАРИ ТАҲСИЛНИ ТАМОМЛАДИ



Салоҳиддин ШЕРХОНОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси бўлим бошлиғи

Жамият равнақиға, Ватан тараққиётига, халқ фаровонлигига таълим-тарбиячилик хизмат қиладиган бошқа эга бўлган феномен бўлмаса керак. Ҳар бир даврнинг ўзига яраша сармоядорлари, тужжорлари бўлган. Лекин уларнинг номлари тарих саҳифаларида жуда кам учрайди, айримлари исми йўқ бўлиб кетган. Лекин умрини цивилизациялар тараққиётига бағишлаган мутафаккирлар, қомусий алломалар, маърифат қирғоғи остида элини буюк орзулар, нурафшон кунлар сари етаклаган миллат ойдинлари, уламоларнинг номлари асрлар оша барҳаётдир.

Президентимиз лавозимига сайланиши биланоқ барча соҳалар қатори диний-маърифий йўналишда ҳам улкан

таълим тизимида 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлган имом-хатиблар танлов асосида ўқшга қабул қилиниб, ишдан ажралмаган ҳолда 3 йил давомида тахсил олади. Бугунги кунга қадар бу таълим йўналиши бўйича 600 дан зиёд имом-хатиб олий маълумотга эга бўлди.

Президентимизнинг 2023 йил июнь ойида Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида берган топшириғи ижроси юзасидан 2024-2025 ўқув йилида таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, тор йўналишлар бўйича етук кадрларни тайёрлаш мақсадида Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида магистратура мутахассислиги ташкил этилган эди.

Жорий йилда илк 10 битирувчи “Ислом илоҳиёти, фалсафаси ва мотуридийлик таълимоти” ва “Ҳадис илмлари” йўналиши бўйича магистратура мутахассислигини муваффақиятли тамомлади. Яқинда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг катта мажлислар залида магистрларга тантанали равишда диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчиси Музаффар Комилов, Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содиқжон Тошбоев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари, вазирик ва идоралар вакиллари, таниқли уламолар, имом-хатиблар, соҳа фахрийлари, педагог-ўқитувчи ва талабалар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Президент маслаҳатчиси Музаффар Комилов илк битирувчиларни самимий қўтлаб, тегишли пул мукофоти сертификатларини ҳар бир магистрга тантанали равишда



ислохотларни бошлаб берди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Ушбу ҳужжатда қатор устувор йўналишлар, хусусан, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ва бошқа диний таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини яхшилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, диний таълим муассасалари ҳузурида фуқароларга Қуръонни қариниши ўргатиш бўйича махсус курслар ташкил этиш белгиланган.

Сон эмас, сифат муҳим

Илм даргоҳининг улугворлиги унинг бинолари ёки талабалари сони билан эмас, балки у ердан етишиб чиқадиган илмни, одобни, Ватани ва миллатига сидқидилдан хизмат қиладиган етук ва салоҳиятли кадрлар билан ўлчанайди. Юзлаб уқунлар биргина қуёшнинг зиссини тўса олмагани сингари чинакам қадр-қиймат сонда эмас, сифатдир. Янги Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус ислом таълим муассасалари фаолиятида ҳам асосий мезон таълим сифати, илмий салоҳият, маънавий тарбия ва жамиятга муносиб хизмат қиладиган мутахассисларни вояга етказишда.

Мустақилликнинг дастлабки чорак асрида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида 9 та ўрта махсус ислом таълим муассасаси ва Тошкент ислом институти фаолият юритган бўлса, Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилда Бухоро шаҳрида Мир Араб олий мадрасаси, 2018 йилда Самарқанд вилоятида Ҳадис илми мактаби, 2020 йилда Термиз шаҳрида Имом Термизий ўрта махсус ислом таълим муассасаси, 2024 йилда Имом Термизий номидаги ислом институти ташкил этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида 4 та олий, 10 та ўрта махсус ислом таълим муассасаси (шундан икkitаси аёл-қизларга ихтисослашган) фаолият кўрсатмоқда. Уларда тахсил олаётган икки ярим миңдан зиёд талабага 500 га яқин профессор-ўқитувчи сабоқ бериб келмоқда.

Диний соҳа ходимларининг асосий қисmini ташкил этадиган имом-хатибларнинг билим ва малакаларини янада ошириш, ўрта махсус диний маълумотга эга имом-хатибларни олий диний маълумотли кадрлар билан алмаштириш мақсадида 2019 йилда Тошкент ислом институтида модул таълим тизими жорий қилинди. Мазкур

Тарих такрорланиб туради

Ўзбекистон қадимдан буюк алломалар, улуг мутафаккирлар юрти сифатида эъзозланиб, қадрланади. Тарихда юртимиз алломалари бутун дунёга устозлик қилган, жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган.

2024 йил 15-16 октябрь кунлари Тошкент ва Мавза шаҳарларида “Ислом — тинчлик ва эзгулик дини” ҳақида ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этган Шайх Муҳаммад Аввома ҳафизахулоф “Юртингизнинг ҳар қадамида улуг алломаларнинг хоки бор. Бу замин илм ва уламолар юртидир. Энди сизларнинг вазифангиз ана шу буюк меросни қайта тириштириш ва дунёга таништириш”, деган эди. Ҳақиқатан, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида бутун дунё Ўзбекистонга, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийларга қандай талипинган бўлса, бутун ҳам Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилаётган юртимизга дунё афкор оммасининг қизқички тобора ортиб бораётган.

Халқимизда “Тарих такрорланиб туради”, “Оққан дарё оқавради” каби аjoyиб мақоллар, нақллар бор. Чиндан ҳам IX-XII ҳамда XIV-XV асрларда юксак ақлу заковати, теран тафаккури, бой маънавий-маърифий салоҳияти билан бутун дунёни забт этган буюк аждодларимиз сингари бутун янги Ўзбекистонда тахсил олаётган ёшлар ҳам боболаримизнинг муносиб издоши сифатида тарихни такрорлашга астойдил киришган. Улар орасида Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти магистратура йўналишини тамомлаган ўн нафар иқтидорли битирувчи ҳам бор. Уларни Ўзбекистоннинг етук мутахассислари, Президент кадрлари дех баралла айта оламиз. Келгусидаги фаолиятлари Аллоҳ таолодан улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Хар бир халқ ўзининг олис ўтмиши, тарихий илдишлари, ота-боболари босиб ўтган йўллари яхши билиши, бу жараён қандай кечганини англаши, асрлар, даврлар синовидан ўтган урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаб, келажак насларга етказиши лозим. Бунга амал қилмаган халқлар тарих саҳнасида тушиб қолганига мисоллар кўп. Чунки тарихий хотиранинг унутилиши миллий тараққиёт, эркин ҳаёт йўли учун курашларни заифлаштирилади. Ҳамма замонлар учун ҳам муҳим бўлган ушбу сабоқни унутмаслик зарур.



Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Инсоният неча минг йиллардан бери тинч-тотув, эмин-эркин, ўз хоҳиш-истагига кўра яшаб келиб келди. Ҳар бир халқ миллий тараққиётга юз тутар экан, табиийки, шу ният йўлида ўзига маъқул режалар тузди. Мен кўрмаган рўшноликларни фарзандларим кўради, улар мендан кўра бахтли бўлади, дея эртанги кунга умид кўзи билан қарайди. Бу умид авлодлардан авлодларга ўтади. Турмуш, яшаш тарзи ахшилангани сари инсоннинг маънавий-маиший истаги ортиб боради. Бу жараён ҳеч қачон тўхтамайди. Кураш давом этади.

Муттасил ўзгариб бораётган, гоҳ ўзини ўзи тушунмай ҳам қолаётган дунёнинг бир хусусияти шундаки, бугунги мураккаб геосиёсий, иқтисодий, экологик муаммолар фақат бир мамлакат ёки миллатга тааллуқли эмас. Уларни фақат бирга, бамаслаҳат, ҳамма томоннинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш мумкин.

Шу боис, Ўзбекистон Президентининг дунё ва минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик, самимий дўстлик, қардошлиқ, манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, янги ҳамкорлар ҳисобига ҳаракат доирасини кенгайтиришга доир сиёсати ҳамда бу саноат-ҳаракатларнинг амалий



Нортожи ХАЛИБОЕВА, Фарғона вилояти қирғиз миллий маданий маркази раиси, “Шуҳрат” медали соҳиби

Кейинги ўн йилликда бу яқинлик янада мустаҳкамланиб, ўзаро борди-келдимиз, дўстлигимиз, ҳамкорлигимиз кучаймоқда. Президентларимизнинг ўзаро ҳамжиҳат-

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Чўлпонотадаги норасмий маслаҳатлашувида қабул қилинган ҳужжатлар, бу ҳаракатга Озарбайжоннинг ҳам қўшилиши бугун дунёнинг ўта жиддий эътиборида турган минтақамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фавқулодда муҳим воқеа эканини таъкидлаш зарур.



Дўстлик — чегара билмас

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ...

натижаси мамлакатимизни яқин қўшнилар билан бирга жаҳон ҳамжамиятига ҳам янги ижтимоий-маънавий қиёфада намойён этди.

Улуғ алломалар бу ёруғ оламда яшашдан мақсад — баҳам кўрмоқлик, деган экан. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир инсон, ҳар бир давлат ўзига қандай рўшноликларни тиласа, улуғ мақсадларни орзу қилса, бошқаларга ҳам тилаши, раво кўриши керак экан. Давлатимиз раҳбари аини шу йўлни танлади. Ўзбекистон ён қўшнилариининг кучли бўлишидан, барқарор ривожланишидан манфаатдорлигини очикъ эътироф этди.

Ҳеч бир киши бу ёруғ оламга бошқа бир инсонга зугум қилиш, уйини бузиш, йўлини тўсиш, бойликларини эгаллаб олиш учун келмайди. Аммо ҳаёт деганлари ўз инъомларини одамларнинг нияти, имон-эътиқоди, эзгу амалларига қараб тақсимлайди чоги, орзуларга етишда кимдир илгариллаб кетди, кимдир қисмат чорраҳаларида тараддулланиб қолади. Қутилган-қутилмаган хатоликлар юзага келади.

Давлатимиз раҳбари аини шу ҳолатларга алоҳида эътибор берди. Миллий тараққиётга эришишнинг турли йўлларидадан бораётган минтақа мамлакатлари билан яхши қўшничилик алоқаларини тиклашда ҳар бир томоннинг иккинчи томон учун самимий дўст, ишончли ҳамкорга айланишини ўйлаб, бу борада биринчи қадамни қўйди. Ўзбекистон мисолида бу ишончнинг қатъий ва бардавомлигини амалда намойиш этди.

Инсон бу ёруғ оламга фақат еб-ичиш, чиройли кийиниш, роҳат-фароғатда яшаш учун келмайди, албатта. Дунёда шундай қудратли мамлакатлар борки, ер ости ва ер усти бойликлари, куч-қудрати беҳисоб ва беқиёс. Аммо ҳаётда инсон қалби, онг-тушунчаси, маънавий олами, имон-эътиқоди,



инсоф-диёнати деган тушунча ва туйғулар ҳам борки, улар олдида ҳар қандай бойлик, беҳисоблик ожиз бўлиб қолиши мумкин. Шундай бўлмоқда ҳам. Сиёсий, иқтисодий низоларни қурол кучи билан ҳал қилиш ҳаракатлари келиш-мовчиликларни баттар чигаллаштираётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Инсон бу ёруғ оламга нима мақсадда келади, қисқа муддат яшашнинг маъно-моҳиятини қандай тушуномоқ керак? Бу саволларга жавоб топиш осон эмас. Бунга эришиш учун ҳаёт қозонида бир умр қайнаш, олис мозиёй ва келажакка мушоҳада билан сафар қилиш лозим. Аммо тилимиз, онг-шууримизда



шундай сўз ва иборалар борки, улар биз англомоқчи бўлаётган моҳиятини кўзгудек аниқ-тиниқ намойён этиб беради.

Ҳа, чиндан ҳам яшамоклик баҳам кўрмоқликдир. Яъни моддий ва маънавий бойликлар ҳазрати инсон, унинг буюк сарҳисобига қадар туги-

лажақ зурриётлари учун яратилган. Улардан ҳамма баҳраманд бўлишга ҳақли. Ҳар қутум сув, ҳар сиқим туپроқ, ҳар нафаси ҳаво — умумий бойлик. Шундай экан, инсон бу илоҳий неъматлардан фойдаланишда, аввало, уларни исроф қилмаслиги, асраб-авайлаши, бир-бири билан баҳам кўриши, ўзи билан бирга бошқаларнинг ҳам эътиёжини ўйлаши зарур. Улуғларнинг “Ҳамжиҳат яшанглар, бир-бирингиздан хабардор бўлинглар, ризқ улашинглар, кенга кенг, торга тор дунё бу”, деган ўғитларидан англандиған улуғ маъно шу.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Чўлпонотадаги норасмий маслаҳатлашувида қабул қилинган ҳужжатлар, бу ҳаракатга Озарбайжоннинг ҳам қўшилиши бугун дунёнинг ўта жиддий эътиборида турган минтақамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фавқулодда муҳим воқеа эканини таъкидлаш зарур.

Тадбирдан бир кун олдин Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзолангани қадим ўзаниларга қайтишнинг ноёб белгиси. Оққан дарё оқмай қолмас, деганларидек, бу келишув икки мамлакат ўртасида неча даврлар мавжуд бўлган бирлик,

аҳилик, дўст-қадрдонликни аввалгидан ҳам кучайтиришга хизмат қилиши, икки ўртадаги ўзаро ишонч руҳини мустаҳкамлаши шубҳасиз. Донулар “Агар одамлар бир-бирини ҳамийша тўғри тушунса эди, ҳеч қандай муаммо бўлмади”, дейди.

Бундан атиги бир ҳафта аввал Бишкек шаҳрида таниқли сиёсатшунос Қудратилла

журналида эълон қилинди. Мамлакатимиздаги элликта мактабда дарслар қирғиз тилида ўтилмоқда. Меъзбонлар бу маълумотлардан манун бўлди, “Алпомиш”, “Тўғрўғли” дос-тонларимизни қирғиз тилига ўғириш ниятлари борлигини маълум қилди.

Юсуф Болосогун номидаги Қирғиз давлат университети ва Ўзбекистон Миллий университети ўртасида талабалар алмашинуви тажрибаси йўлга қўйилгани ҳар жиҳатдан эътиборга молик. ЎзМУда атоқли адиб Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодини ўрганишга доир экспозиция фаолият юритаётгани, бу ерда кўплаб ноёб ҳужжатлар сақланаётгани ҳақида фикрлашдик. Аликул Осмонов номидаги давлат кутубхонасига ўзбек тилида чоп этилган китобларни тухфа қилдик.

Сухбатлар чоғи бундай алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, Заҳрирдин Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек академик театри учун кадрлар тайёрлаш, Ўзбекистондаги қирғиз ва Қирғизистондаги ўзбек мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, икки мамлакатнинг тегишли вазириликлари мутахассисларининг учрашувини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Сафаримиз ақунда улуғ адиб Чингиз Айтматов дафн этилган “Ата Бейит” мемориал комплексида бўлиб, сойиб тузум давридаги қонли репрессия қурбонларини ёдга олдик. Ушбу зиёратгоҳ раҳбари, тарих фанлари доктори Болот Абдурахманов бизга 1937-1953 йиллари Қирғизистонда қатагон қилинган мингта яқин ўзбек хотирасига бағишланган китобни совға қилди.

1937-1953 йиллари Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг оммавий сиёсий қатағони натижасида қарийб 100 минг киши репрессия қилинган, улардан 13 мингдан ортиғи отиб ташланган. Таниқли давлат арбоблари, ижодкор зиёлилар, диний уламолар репрессиячиларнинг асосий нишонини бўлган. Неча минг оила Сибирь, Қозғоғистон ва Уралга сургун қилинган. Кейинги йилларда Ўзбекистон Олий суди ноҳақ жабрланган нозлаб юртдошларимизни оқлади.

Бу машум репрессия Қирғизистонда ҳам аёвсиз ўтказилган. Бугун икки мамлакат тарихчи олимлари, адабиётшунослар ноҳақ қамалганлар хотирасини тиклаш, илмий-маърифий меросини ўрганиш, янги авлод тарбиясида улардан фойдаланиш борисида ибратли ишларни қилмоқда. Чўлпонотада имзоланган Иттифоқчилик шартномаси икки мамлакат ўртасида иқтисодий, илмий, адабий-маданий алоқаларга ҳам янгича шиддат бериши шубҳасиз.

ҳар бир соҳада бўй кўрсатмоқда. Кўп миллатли халқимиз ана шу ютуқлардан куч олиб, янги марралар сари дадил қадам ташлаб, истиқлолимизнинг 35 йиллик тўйини муносоиб кутиб олиш тараддуқиди. Жонажон Ватанимизда истиқомат қилаётган қирғиз миллатига мансуб юртдошларимиз ҳам янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Фарғона вилоятида 80 мингта яқин қирғиз ватандошимиз тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, халқ ҳўжалиги ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида, илм-фан, маданият, ижтимоий соҳа, ижрония, суд-ҳуқуқ, мудофаа идораларида самарали фаолият юритмоқда. Вилоятдаги бешта мактабда қирғиз тилида таълим берилади. Миллат вакилларининг ижод, илм ва тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилган.

Вилоят қирғиз миллий маданий маркази ташаббуси билан Фарғона, Қувасой, Риштон, Қўштепа, Тошлоқ, Олтиариқ туманларида дўстлик

фестиваллари, маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, жойларда қирғиз миллий байрамларига бағишланган тадбирлар ҳам мунтазам ташкил этилади. “Тумарим” этнографик фольклор бадийи жамоаси фаолият юритади. Таниқли санъаткорлар қирғиз ва ўзбек тилларида ижод қилиб, миллий ва умумхалқ байрамлари, ижтимоий-сиёсий тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Марказимиз томонидан ҳар йили апрель ойида 11 ёшли болалар ўртасида Манас айтишув мусобақасини ўтказиш ва гоилиларни тақдирлаш яхши анъанага айланган.

Қисқаси, турли миллат ва элат вакиллари эмин-эркин яшаб келаётган Ўзбекистонимизда миллатлараро дўстлик гуллаб яшнасин. Ўзбек ва қирғиз халқларининг қардошлиқ, яхши қўшничилик, дўстлик ришталари эса янада мустаҳкамланиб, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичда тараққий этиб бораверсин.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Е-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2026 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.
29345 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусахҳх: Маллохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 20:50 Тошхирлиди — 00:20